

Бу фикр мендан эмас, дўстим Тонидан чиқди. Биз учовлон, мен, Тони ва жажжи Жейн исмли кизалок дўстим билан эндиғина кинодан чиқиб келардик. Чўнтағимиздаги охирги чакаларимизни сарфлаб бетайин бир фильм кўрганимиздан жаҳлимиз чиқиб турарди. Вакт аллакачон тун ярми бўлиб колган ва беўрин кетган пулларимизни ўрнини кандай килиб тўлдириш чорасини ўйлаб топишимиш лозим эди. Бу чорани канчалик тез топсак, шунчалик яхши эди. Айни ўша дакикаларда кўзимизга ўша лаънати Бакалок кўриниб колди. У кинотеатр олдида турар ва кинодан чикаётган жонончаларга еб кўйгудек тикиларди. Семиз думбалари камари остидан осилиб кўриниб турган бу олифтанинг кўриниши жудаям жирканч бўлса-да, ундан шундайгина жарак-жарак долларлар хиди анкиб тургандек эди. Эгнида кимматбаҳо спортча костюм, кўйлагининг енгларида эса сап-сарик тугмалар ялт-ялт киларди. Улар хакикий олтиндан ясалганди!

Мен унинг нафакат жирканч кўринишига, балки унинг рангпар юмалок башарасидаги бир-бирига жуда якин жойлашган иккита чўчканикига ўхшаш кўзлари ёнидан ўтаётган аёлларни ечинтириб юборар даражада таъкиб килаётганига хам эътибор бердим. Унинг юкори лаблари устидан дамбадам тер томчилари окиб тушар ва у рўмолчаси билан башарасини тинимсиз артиб турарди. Вакти-вакти билан у калин лабларини беўхшов табассумга ёйиб, худди суюкка талпинаётган кўппак мисол бироз олдинга энгашар ва ёнидан ўтаётган аёлларга беорларча сукланиб тикиларди. Тўсатдан унинг нигохи Жейнга тушиб, калкиб кетгандек бўлди ва башарасини рўмолчаси билан янада тезрок арта бошлади. Об-хаво салкин эди деёлмайман. Аммо бу Бакалокнинг жирканч туркиёк мени жунжиктириб юборди. Гўё бутун вужудимни галати совуклик коплаб олаётгандек бўлди. Жейн эса бу окшом дарҳакикат мафтункор эди. Унинг гўзал коматини унчалик хам бекитмаган, яrim харир матодан тикилган юбкачаси тиззасидан баланд жойигача коплаб турар, кизил ранг булузкасининг очик кўкрак кесма ёқалари унинг бор кад-коматини манаман, деб кўрсатиб турарди. Биз ўз ўлжамишни пайкаган овчилиардек кинотеатр биноси бурчагида тўхтадик. Тони сигарета тутатди.

— Анаву Бакалокни бир силкилаб кўришимиз керак, — деди у бармоги билан бояги олифтани кўрсатиб.

Бу таклиф менга маъкул келмади ва буни Тонидан яшириб ўтиrmадим.

— Миянгни ишлат, пандаваки, — жавоб берди Тони. — Бу Бакалокнинг чўнтағида кўкидан тикилиб ётиби. Унинг тугмалари канака эканлигини кўрмаяпсанми?

— Унинг турки ёкмаяпти. У худди психга ўхшайди.

— У хирсдан аклдан озаяпти демокчимисан? Ўзингнинг хам айни шу сабаб бироз томинг кетиб колмаганми, кария? Кўрмаяпсанми, у хозир ёввойи хирсдан ўлар даражасига келган. Унинг психлиги бор-йўги шундан холос.

— Бу иш менга ёкмаяпти. Ёкмаяпти, билдингми?

— Э, бу арзимас иш-ку!. Дарров хал киламиз, кўямиз!

Мен Тонига бас келолмаслигимни билардим. Чунки у нима деса, аввал каршилик килсан-да, кейин барибир кўнаман. Мен Жейнга карадим.

— Сен нима дейсан, кизалок?

— Билмайман, — секингина жавоб берди у. — Менга унинг тикилиши ёкмаяпти. Унинг тикилишидан бутун вужудим титраб кетаётгандек бўляяпти.

Тони сигаретасини охирги марта тортиб, колдигини чертиб учириб юборди.

— Кулок солинглар, дўстлар. Кўча тез орада кимсасиз бўлиб колади. Бу Бакалокнинг чўнтағи эса, нак бизга керак хазинанинг ўзига ўхшайди.

— Билмадим Тони, билмадим. Мен факат...

— Кария, куён юраклик килма. Мен бир ишни режаладимми, уни ютиб чикишимга амин бўлмасам, таваккал килмайман. Хўш, нима килдик? Бошлаймизми?

— Бўпти, майли, сен айтгандек бўла колсин, — жавоб бердим мен Жейндан кўзимни узмасдан.

Жейни хам Тони нима деса барибир кўнишимни жуда яхши билар ва доим бундан кўркиб юарди. Хозир хам ростакамига кўркиб кетди шекилли, огирилигини у оёгидан бу оёгига ўтказди. У гурухимиздаги янгилардан эди ва шу сабаб унга нима буюрилса, индамай бажараверарди. У хозир ўзини бутунлай йўқотиб кўйганини сездириб турар ва мен Тонини бу таклифи учун роса сўкиб беришга тайёр турадим. Бирок мен ўз иззат-обрХимни хам саклашим лозим эди. Бўлмаса, киз мени кўркоклик килаяпти ёки мишики, деб ўйлаши хам мумкин.

— Охири вой бўлмаслигига аминмисан, Тони? — дедим нихоят иккиланиб.

— Аминман, кария, аминман, — деди у катъият билан.

Энди мен Жейн тарафга карашга ботина олмасдим. Бирок у килт этиб ютиниб кўйганини сездим. У кўлини чўзиб, менинг кўлларимдан ушлаб олди.

— Сен нима дейсан, Жейн? — сўрадим ундан.

У бироз саросималаниб тургандек бўлди ва нихоят «майли» дегандек бош ирКади.

— Сен нима истасанг, хаммасига тайёрман, — деди у кейин овози бироз титраб.

Тони иршайиб панжаларини бир-бирига ишкалаб кўйди.

— Ана, хаммаси пишди. Демак... бошладикми?

— Ха, режа аник бўлгач, уни бажариш керак.

— Бўлмаса, нимадан бошлашни келишиб олайлик. Сен Жейн, оркангга кайтиб, Бакалокни ўзингга илаштиришга урин. Уни коронгиrok кўчага бошлаб боришинг керак. Биз Жек иккаламиз оркалингдан борамиз. Уни тайёр холга келтиришинг биланок, биз уни дабдаласини чикариб, бор шуду-будини шилиб оламиз. Кейин жуфтакни ростлаш колади холос. Уқдингми? Хаммаси жуда оддийгина.

Мен сигарета тутатиб чека бошладим. Тан олишим жоизки, бутун вужудим ич-ичимдан титрап, амма сигарета тутунидан йўталаётганимдек безовталигимни яширишга уринардим. Жейн билан танишганимдан бошлаб ўзимни сувга тушган товукдек сеза бошлаганимни ўйлаб колдим. Бирок, биз бундай ишларни биринчи бор килаётган эмасдик ва хеч качон мушкул вазиятга тушмаганмиз. Ишимиз доим силликкина битган.

— Уқдим, — деди секингина Жейн. — Бирок мендан унчалик узоклашмасаларинг бўлгани.

— Биз сенга якин бўламиз, кизалок. Мен сўз бердимми, бажараман.

Жейн оёк учida туриб Тонидан хеч тортинмасдан менинг лабларимдан ўпди. Бу билан гўё у менга содиклигини изхор килди. Кўча фонарининг устунига суяниб унинг орка тарафга, кинотеатр томонга кетишини кузатдим. Ва яна калбимда галати безовталик сеза бошладим. Бу Бакалокда мени асабимни кўзитаётган нимадир бор эди.

Кўча бир зумда кимсасиз бўлиб колди. Жейн ва Бакалокдан бошка хеч ким кўринмасди. Бакалок менинг жонончамни кўриб бир зумда коматини тик тутди ва зўр бериб башарасини рўмолчаси билан арта бошлади. Айтишим мумкинки, у Жейн ташлаган кармокка худди очкўз акула бир парча янги гўштга ташлангандек илинди-колди. Илинмай хам кўрсинчи! У шунчалик мафтункор, эндиғина ўн олти ёшга тўлган киз бўлса! У ёш бўлсаям бизнинг ўйинни кандай ўйнашни жуда яхши биларди. Улар бир неча дакика жойларида турганларича гаплашиши. Кейин Бакалок кўполларча унинг кўйлаги кўкрагидаги чукур ўйилган жойни сийпалади. Унинг завкланиб, кикирлаб кулганини эшитдим ва шу лахзанинг ўзидаёк унинг ичак-чавокларини агдариб ташлаш истаги билан ёна бошладим.

— Кизишма, кизишма, — шивирлади Тони ва мен бирдан овоз чикариб Бакалокни энг кабих сўзлар билан сўкаётганимни сезиб колдим.

Олифта Жейнни белидан кучиб, бизнинг ёнгинамиздан коронки подъезд томон бошлаб кетди. Кўгирчогимнинг кандай кадам ташлаб кетаётганидан унинг кандай вахима билан кетаётганини сездим.

— Бўлди, Тони, кетдик! –дедим нихоят сабрим чидамай.

— Сабр кил. Сенга нима бўлди? Ишни пачавасини чикармокчимисан?

Мен ўзимни босишга уриндим. Эҳтимол у хақдир. Бироз кутиш лозимга ўхшайди. Агар Бакалок хозир бизни сезиб колса, албатта эҳтиёт чораларини кўради. Мен бор кучим билан муштларимни сикдим ва бундан ўзга чoram хам йўқ эди. Кайфиятим бутунлай тушиб кетди.

Жейн ва Бакалок тор кўчага етишиб у томон бурилишди ва бутунлай кўздан йўколишиди.

— Ана энди олга! – буйрук бўрди Тони.

Мен учун бу гапни икки марта такрорлашига хожат йўқ эди.

Биз тор кўча томон отилдик. Чопиб борарканмиз бутун вужудим музлаб бораётгандек, бир сония бир соатга чўзилиб кетаётгандек туюларди.

Шу пайт олдимиизда полиция машинаси тўхтаб, ундан икки фараон тушиб, биз томон кела бошлади.

— Икковингиз хам тўхтанг ва кимирламанг! — буюрди улардан бири.

— Нима гап? — сўради Тони.

— Хозир билиб оласан, йигитча. Кани, деворга орка ўгириб, биз томонга карангларчи!

— Кулок солинг , мистер... -гап бошладим мен.

— Нима, кармисан? Деворга орка ўгир деяпман!

Эътиroz билдиришдан хеч кандай маъно йўқ эди. Биз деворга якинлашиб кўлларимиз билан унга суюндиқ. Фараонлардан бири менинг бутун танамни пайпаслаб кўрди ва хеч нарса топа олмади.

— Каерда эдинглар? — сўради яна ўша берахм овоз.

— Биз кинода эдик. Хозиргина у ердан чикдик.

— Нахотки?

— Биз рост гапирияпмиз, мистер. Нима, кинога кириш такикланганми?

— Иккинчисидан бирор нарса чикдими? — сўради полициячи шеригидан.

— Ундаям хеч вако йўқ. Нима дейсан, уларни полиция участкасига олиб борамизми?

Тўсатдан аклу-хушимни йўкотаётганимни сезиб колдим. Тиззазларим калтираб, йикилиб

тушмаслигим учун деворга суяниб колдим. Мен ўзимни бакувват йигит хисоблардим. Фараонларни хеч качон ёктирмасдим ва улардан кўркмасдим хам. Бирок бу окшом!.. Мен коронги тор кўчада хозир нима бўлаётганини тинмасдан ўйлар, бундан вахимага тушар, агар бизни бу ердан икки миллар наридаги полиция участкасига олиб боришсалар...

— Кулок солинг, мистер. Биз ростдан хам кинога киргандик. Чин сўзим!

Буйрук бераётган фараон афтидан ниманидир ўйлаб колди.

— Улардан бирини кинотеатрга бошлаб бор ва гаплари тўгри-нотўгрилигини аникла, — буюрди у шеригига.

Полициячи Тонини кўлтигидан тутиб, кинотеатр томонга бошлаб кетди.

Мен эса, йиглаб юборишга тайёр эдим.

Фараон сигарета чикариб чека бошлади. У хеч ёкка шошилмасди. У мени бошдан оёгимгача синчиклаб назар солиб чикди.

— Сен нимагадир асабийлашаяпсан, йигитча. Нима, бирор хоминг борми?

Мен зўраки жилмайишга уриндим.

— Йўг-э, хаммаси жойида. Хаммаси жойида. Шундайми?

— Билмайман. Буни мен сендан сўраяпман.

Мен худди аклдан озгандек хохолай бошладим. У мендан сўраётган эмиш! Агар олдимиздан анаву Баколок чикиб колмаганида, ростдан хам хаммаси жойида бўлган бўларди! Яна биз бундан бироз олдинрок харакат килганимизда хам... Мен беихтиёр тор кўча тарафга карадим. Хеч кандай шовкин эшитилмайди. Хеч кандай! Мен яна ўзимни бепарво кўрсатиб полициячи билан гаплаша бошладим.

— Кимни кидирайпизлар?

— Кўшни кварталдаги дўконни уриб кетган шайтонларни.

— Биз улар эмасмиз.

— Буни тез орада аниклаб оламиз, — деди полициячи сигаретасинингучига тикилиб.

Мен яна Бакалок Жейнни олиб кетган тор кўча тарафга назар солдим. Пешонамдан шода-шода тер куйиларди. Тирнокларим конар даражада гишт деворни тирмалай бошладим.

Бир пайт Бакалок тор кўчадан чикиб кела бошлади. У бир неча лахза бошини ўзи келган

томонга буриб, кўча ўртасида тўхтаб колди. Худди бир нарсасини унутиб куйгандек. Мен унинг йўлак чеккасига ниманидир отиб юборганини кўрдим. Полициячи буни пайкамади хам. Бакалок бурилди-ю, бизга карама-карши томонга тез-тез юриб кета бошлади.

Бирдан оғзим куриб кетганини сездим. Мен нимадир гапирмокчи бўлардим. Аммо сўзларим томогимга тикилиб колаётгандек эди. Бу пайт Бакалок кандай биздан узоклашаётганини, нихоят кўздан гойиб бўлганини жимгина кузатиб турадим. Худди ана шу пайт иккинчи полициячи ва Тони бизга якинлашаётганди.

— Улар ростдан хам кинога киришган экан. Кассир аёл бу йигитчани таниди.

— Нимаям дердик, йигитлар. Бугунча озодсизлар. Уйларингга кетишларинг мумкин...

Мен унинг гапларини охиригача эшитиб ўтирмадим. Оёгимни кўлимга олиб тор кўча томонга отилдим. Тони оркамдан елиб келарди. Фараонлар машинага ўтиришиб, жўнаб кетишиди.

Биз тор кўча бошигача югуриб бордик. Тони энгашиб Бакалок отиб юборган нарсани олди. Кўча фонари ёруКида дўстим кўлида пичок ушлаб турганини кўрдим. Унинг тиглари кип-кизил кон эди. Биз бир зум бир— биримизга бакрайиб тикилиб колдик ва яна тор кўча ичкарисига югуриб кетдик. Мен ўзимни бутунлай ёмон сеза бошладим. Чунки хозир нимага дуч келишлигимизни яхши билардим.

Рус тилидан Абдумурод КЎЧИБОЕВ таржимаси